



Vaziyat

2023 йил
16 март
№ 11 (900)




Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

ФВВ: Крим-Конго касаллигининг олдини олишга қаратилган тадбирларда 5 мингдан зиёд объект ўрганилди

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Фавқулодда вазиятлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи Элёр Аҳмадалиев иштирокида брифинг ташкил этилди.



Қайд этилишича, жорий йилнинг 1 март кунидан 1 апрель кунига қадар республика-мизда “Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги” ташкил этилмоқда.

Ушбу ойликдан кўзланган мақсад, баҳор мавсумида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар, хусусан сел, тошқин ва кучки ҳодисалари, овқатдан заҳарланиш ва Крим-Конго касаллиги билан боғлиқ мавсумий фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Мутахассиснинг сўзларига кўра, республика бўйича 800 дан зиёд иқтисодий ва 10 мингдан ортиқ ижтимоий объектлар, шунингдек, сел, тошқин ва кучкига хавfli 35 та объект ўрганиб чиқилган. 40 дан ортиқ камчиликлар бартараф этилган.

Фавқулодда вазиятлар бошқармалари, “Ўзгидромет” хизмати, Хавfli жараёнларни кузатиш давлат хизмати томонидан сел, тошқин ва кучкига хавfli ҳудудларда 579 та ҳужаликлардаги ҳолат кўздан кечирилган.

Ҳудудий Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари билан биргаликда инсонларнинг сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланишининг олдини олиш бўйича жами 4 минг 700 дан зиёд бозорлар, савдо мажмулари ва бошқа объектларда ўрганишлар олиб борилган ва 3 минг кг.дан ортиқ сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолдан чиқарилган.

Крим-Конго касаллигининг олдини олишга қаратилган тадбирларда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари, ветеринария хизмати билан биргаликда 5 минг 520 та объект ўрганилиб, 473 минг 14 метр кв. майдон кимёвий ишлов бериш орқали зарарсизлантирилган.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА,
ЎЗА



Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, ҳаваскор ва профессионал ижодкорлари ўртасида «Энг жанговар кўшиқ» танловининг республика босқичи ғолиблари тақдирланди.

Унда ФВВ «Қамчиқ» махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси ходими, оддий аскар Моҳичехра

Мингбоева фахрли 2-ўринни эгаллади.

Ҳамкасбимизни ушбу эътироф билан самимий муборакбод этиб, келгусидаги фаолиятига улкан муваффақиятлар тилаб қиламиз.

Ш. АБДУСАТТОРОВА,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ ОАВ ва ЖТБХҚБ етакчи мутахассиси.

«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

Мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида ФВВ Марказий аппарати ходимлари фаол қатнашди. Бу хайрли тадбир давомида вазирлик ҳудудида турли хилдаги гулларни, мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини экиш ва кўкаламзорлаштириш, дарахтларга қўшимча ишлов бериш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилди. Бундай эзгу ишларнинг изчиллик билан бажарилаётгани эса яшил майдонларнинг ҳудудини янада кенгайтиришида, атроф-муҳитни тоза ҳамда мусаффо ҳаво билан таъминланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу каби тадбирлар республика-миз бўйлаб давом этмоқда.

ФВВ матбуот хизмати



ХИЗМАТГА ОТЛАНГАН МАРД ЎҒЛОН

Март ойдан республикамиздаги барча Мудофаа ишлари бошқармаларининг йиғин пунктлари орқали фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш тadbирлари бўлиб ўтмоқда.



Жойларда ўтказилаётган тантанали кузатув тadbирларида ҳарбий прокурорлар, мутасадди раҳбарлар, жамоатчилик вакиллари билан иштирок этишмоқда.

Ҳарбий прокурорлар чақирилувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарига Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматнинг аҳамияти, ҳарбий хизматчилар учун жорий этилган имтиёз ва энгилликлар ҳақида батафсил маълумотлар

беришмоқда. Шу билан бирга, Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва шарафли бурчни бажаришга шай турган ўғлонларга букилмас ирода, сўнмас матонат ва куч-ғайрат тилашмоқда.

Тadbирларда муддатли ҳарбий хизматга жалб этилган чақирилувчиларга ҳарбий хизмат давомида ўз эҳтиёжларига ишлатиши учун зарур анжомлар совға тариқасида улашилмоқда ҳамда уларнинг ватанпарварлик руҳларини оширишга қаратилган мусиқий чиқишлар ташкил этилмоқда.

Шерзод ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси,
адлия полковниги.

КОРЕЯ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан илғор хорижий давлатларнинг суд-ҳуқуқ тизимида ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни тергов қилиш ва ушбу соҳадаги қонунийликни таъминлаш борасидаги тажрибаси ўрганилмоқда.



Жумладан, 2023 йил январь ойида ҳарбий прокуратура ходимлари иштирокида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги мудофаа масалалари бўйича атташеси полковник Пак Ан Со билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда Корея Республикаси Миллий мудофаа вазирлиги ҳарбий прокуратураси билан ҳуқуқий соҳада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, уларнинг тизими, фаолияти, кадрларни танлаш, малакасини ошириш, шунингдек, замонавий криминалистик техникалардан фойдаланиш ҳамда ҳарбий хизматчилар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тажриба алмашиш масалалари келишиб олинди.

Келишувларнинг амалий натижаси сифатида жорий йилнинг февраль-март ойларида Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Қудратхўжаев бошчилигидаги делегациянинг Корея Республикасига ташрифи амалга оширилди.

Ташриф доирасида Корея Республикаси Миллий мудофаа вазирлиги Бош прокурори генерал Ким Донг Хёк, Қуролли Кучлар ҳарбий суди бош судьяси Сео Сунг Ун ва Миллий мудофаа вазирлиги жиноий тергов қўмондонлиги қўмондони генерал Чеонг Чанг Юн ва бошқа юқори ҳарбий мансабдорлар иштирокида ўзаро музокаралар ўтказилди.

Конструктив мулоқотлар давомида томонлар икки давлат ўртасида Қуролли Кучлар соҳасидаги қонунларни такомиллаштириш, ҳарбий

хизматчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилдилар.

Шу билан бирга ташриф доирасида Ботир Қудратхўжаев Корея Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Сонг Канг билан учрашув ўтказди.

Учрашувда томонлар уюшган ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали усуллари ва ушбу йўналишда идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича фикр алмашдилар.

Шунингдек, учрашув иштирокчилари томонидан икки давлат прокуратура органлари ўртасидаги профессионал алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани ва ўзаро имзоланган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги халқаро шартномаларнинг ижроси самарали таъминланиб келинаётганлиги таъкидланди.

Айниқса, ҳозирги кунда миллатлараро тотувлик ва тинчликни таъминлаш, экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш ҳамда ноқонуний давлатлараро миграциянинг олдини олишда халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Отабек ХОЛБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
биринчи ўринбосари,
адлия полковниги.

Бухоро ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан ҳарбий прокуратура прокурор-тергов ходимлари ва Бухоро гарнизони ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ҳамда муассасаларнинг терговга қадар текширувни амалга оширувчи масъул шахсларининг кўникмаларини ошириш мақсадида, вилоят ФВБ ва ИИБ мутахассислари иштирокида ИИБ вилоят бошқармаси биносида ўқув машғулоти ўтказилди.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Мазкур тadbир давомида суд-тиббий экспертизаси ҳамда ИИБ тегишли экспертизасининг соҳа мутахассислари ҳамда прокуратура, ИИБнинг махсус автомашиналари ва жиҳозлари ёрдамида қотиллик, ёнғин, йўл-транспорт ҳодисалари ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ жиноятларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар юзасидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда далилларни тўплаш ва уларни расмийлаштиришнинг процессуал тартиби назарий ва амалий тартибда ўргатилди.

Бундан ташқари, ўқув машғулоти давомида соҳа мутахассислари томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларнинг терговга қадар текширувни амалга оширувчи масъул шахслари билан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ҳамда шарт-шароитлари, ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш зарур чора-тadbирлари юзасидан тегишли тавсиялар берилди, шунингдек, ҳуқуқий кўмак кўрсатилди.

Маҳамаджон БОЗАРМИРЗАЕВ,
Бухоро ҳарбий прокурори,
адлия подполковниги.

САЙЁР ҚАБУЛ

Наманган ҳарбий прокуратураси томонидан Тоифаланган объектларни қуриқлаш қўшинлари қўмондонлиги билан ҳамкорликда Чуст туманида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари, ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш ва муаммоли масалаларга қонуний ечим топиш мақсадида оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Унда туман фавқуллодда вазиятлар, қуриқлаш бўлими, мудофаа ишлари бўлимларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар, ёшлар ҳамда ташкилот ва идоралардан тегишли соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Қабул жараёни давомида мурожаатчиларнинг ишга жойлашиш, имтиёзли уй-жойга эга бўлиш, муддатли ипотека кредити асосида олинган турар жой учун туланган пул маблағларининг солиқ солинмайдиган қисмини солиқ идораларидан қайтариш ҳамда тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, коммунал, ҳарбий гувоҳнома олиш масалаларида 20 та мурожаати тингланди. Уларнинг 6 таси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ҳал қилиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чора-тadbирлар белгиланган бўлса, 4 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди ҳамда 10 та мурожаат жойида қаноатлантирилди.

Шунингдек, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўлими ходимлари томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Қурбондурди ПОЛВОННАЗИРОВ,
Наманган ҳарбий прокурорининг
ёрдамчиси, адлия капитани.



Qashqadaryo viloyati FVBda maktab o'quvchilari uchun "Ochiq eshiklar" kuni tadbiri o'tkazildi.

"OCHIQ ESHIKLAR" KUNI

Tadbinning nazariy qismida Qarshi shahridagi 23-umumta'lim maktabining 10-11-sinf o'quvchilariga boshqarma HFXO'M o'qituvchilari hamda yoshlar yetakchisi tomonidan tizim haqida ma'lumotlar berildi. Qiziqarli faktlar, real sodir bo'lgan voqealar, qutqaruv jarayonlari haqida yoshlar bilan suhbat o'tkazilib, videoroliklar namoyish etildi.

Tadbinning amaliy qismida o'quvchilar yong'in o'chirish, qutqaruv mashinalari, undagi zarur asbob-anjomlar haqida mutaxassislardan kerakli hamda zarur bo'lgan ma'lumotlardan voqif bo'lishdi. Shuningdek, o'zlarining qiziqtirgan savollariga amaliy tarzda ko'zlari bilan ko'rgan, tushungan holda javob oldilar.

Bobur HAMIDOV,

Qashqadaryo viloyati FVB HFXO'M boshlig'i, leytenant.

Sherzod KELDIYEV,

boshqarma xodimi, podpolkovnik.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИР

ФВВ Академияси ҳузурдаги Фуқаро муҳофазаси институти, БМТнинг "ЮНИСЕФ" ташкилоти ҳамда Сурхондарё вилояти ФВВ ҳамкорлигида "Зилзила ва бошқа табиий офатлар хавфи таҳдиди юқори бўлган Марказий Осиё давлатларининг фавқулодда вазиятларга бардошлилигини таъминлашга қаратилган маҳаллий ва миллий салоҳиятларини мустаҳкамлаш" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирнинг назарий қисмида маърузачилар томонидан зилзилалар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳалокатли оқибатларини камайтириш борасида ФВВ томонидан амалга ошириб келинаётган тадбирлар,

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича мактабларда ташкил этиладиган комиссиялар фаолиятига оид маълумотлар баён этилди.

Амалий қисмда бошқар-

ма қутқарув отрядининг махсус қидирув-қутқарув асбоб-анжомлари кўргазмаси ташкил этилиб, зилзила ва бошқа турдаги табиий офатлар содир бўлганда махсус авария қидирув-қутқарув асбоб-анжомларини қўллаш тартиби ҳамда усуллари тўғрисида тунунтиришлар берилди.

Н.ИСЛОМОВ,

Сурхондарё вилояти ФВВ ходими, капитан.

С.САИДМУРОДОВА,
бошқарма ходими.



БОШҚАРМА БИРИНЧИЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг 27 йиллиги муносабати билан "Янги рекордлар сари" шиори остида 10 км. масофага югуриш бўйича Самарқанд вилояти ФВВ биринчилиги ўтказилди.



Мусобақа натижаларига кўра, 3-ўринни Каттақўрғон шаҳар ФВ бўлими 7-ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи лейтенант Алишер Қаҳҳоров, 2-ўринни Самарқанд шаҳар ФВ бўлими 1-ёнғин-қутқарув қисми қутқарувчиси оддий аскар Суҳроб Маматов ҳамда 1-ўринни Самарқанд шаҳар ФВ бўлими 6-ёнғин-қутқарув қисми қутқарувчиси оддий аскар Зафар Мамадиевлар эгалладилар. Ғолиблар бошқарма бошлиғининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Баҳриддин МУСУРМОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти ФВВ бўлим бошлиғи,
подполковник.

Оlmazor туманидаги Ко'з касалликлари клиник шифохонасида туман FV бо'лими томонидан амалий семинар o'tkazildi.

AMALIY SEMINAR

Tadbir davomida is gazidan zaharlanishning oldini olish, gaz-havo aralashmasining chaqnashi va yong'inlarning kelib chiqishiga yo'l qo'ymaslik lozimligi tushuntirildi. Zilzila, sel kelishi, qor ko'chishi, kuchli shamol esishi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarda aholini xavfsiz joylarga ko'chirish, bemorlarni xavfsiz binolarga qabul qilish, kasalxonalarining yashash sharoitlarini yaxshilash, yong'inlarning kelib chiqishiga yo'l qo'ymaslik, sodir bo'lgan favqulodda vaziyat oqibatlarini bartaraf etish, zilzilalar vaqtida tezkor choralar ko'rish, shifoxona hududida yong'in-qutqaruv avtomobillarining harakatlanishiga halaqit beradigan, o'zbohimchalik bilan o'rnatil-



gan sun'iy beton-temir to'siqlarni bartaraf etish kerakligi aytiladi.

Shifoxona atrofida o'zbohimchalik bilan qurib olingan temir panjara, ovqatlanish maskanlari, yo'lga chiqarilgan soyabonlar va noqonuniy qurilmalarni olib tashlash bo'yicha kasalxona rahbarlariga va faollariga tushuntirish ishlari olib borildi.

Sh. IBRAGIMOV,
Olmazor tumani FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

ЎҚУВ

Сирдарё вилояти ФВВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар масъуллари ва ўқувчи-ёшлар иштирокида "Ёш қутқарувчи" кўнгилликлар клублари фаолиятини ташкил этиш" мавзусида кургазмали ўқув семинари ташкил этилди.



Умумтаълим ҳамда профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш, уларни қутқарувчи касбига қизиқтириш, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган тадбирда бошқарма бошлиғи ўринбосари томонидан ёшларни фавқулодда вазиятлар юз берганда тўғри ҳаракат қилиш, ўзи ҳамда ўзгаларга ёрдам беришга тайёрлаш борасида сўз юритилди.

Семинарда ёшларнинг фуқаро муҳофазаси ҳамда ёнғин хавф-

сизлигига оид билимларини шакллантириш ҳар доимгиданда зарур эканлиги таъкидланди.

Тадбир якунида махсус техникалар, ёнғин-қутқарув куч-воситалари намойиш этилди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВВ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

Сардор ШЕРМАТОВ,
Оқолтин тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

KANALLAR MUSTAHKAMLIGI UCHUN

Olmazor tumani FV bo'limi tomonidan yog'ingarchilik mavsumida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan sel oqimlari va suv toshqinlarining oldini olish hamda ularni xavf-xatarsiz o'tkazib yuborish maqsadida, tuman hududidan oqib o'tuvchi Damashi va Kal-kovuz kanali atrofi o'rganildi.

O'rganishlar davomida tuman 2-sektor hududidan o'tgan kanalbo'yi qirg'oq mintaqasini tozalash va yemirilgan qismlari

qayta ta'mirlash ishlari tuman FV bo'limi Toshkent shahar kanallardan foydalanish va ularga tutash hududlarni obodonlashtirish boshqarmasi bilan hamkorlikda amalga oshirildi. Tadbirga 8-bo'linmaning 3 ta maxsus texnikasi hamda 31 nafar shaxsiy tarkib jalb etildi.

M.MELIBOYEV,
Olmazor tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, mayor.

Мингбулоқ туманидаги 7-умумтаълим мактабида туман умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари ўртасидаги мусобақанинг туман босқичи бўлиб ўтди.

ЁШ ҚУТҚАРУВЧИ



Баҳслар 4 босқичда бўлиб, унда туман ФВ, спорт бўлимлари ходимлари, Ёшлар агентлиги ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари раҳбарлари ҳакамлик қилишди.

Мусобақада 37-умумтаълим мактаби жамоаси 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичга йўлланмани қўлга

киритди.

Беллашув ғолибларига ва фоал иштирокчиларга диплом, медаллар ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғулумжон ИСМАЙЛОВ,
Мингбулоқ тумани ФВ бўлими бошлиғи
ўринбосари,
подполковник.

SPARTAKIADA

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida o'quv guruhlarini o'rtasida spartakiada musobaqasi o'tkazildi.

Uni markaz boshlig'ining kadrlar, tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'yicha o'rinbosari podpolkovnik B.Bekmuhamedov kirish so'zi bilan ochib, tinglovchilarga musobaqa shartlarini bajarishda omad tiladi.

Ishtirokchilar 6 ta shart bo'yicha kuch sinashdi. Musobaqa yakuni bo'yicha armrestling kuch sinashish shartida 2-guruh tinglovchisi oddiy askar O.Samandarov, arqon tortish shartida 5-guruh jamoasi, stol tennisida 4-guruh tinglovchisi oddiy askar J.Utesinov, shaxmat turida 3-guruh tinglovchisi oddiy askar I.Abdullayev hamda shashka turida 7-guruh tinglovchisi oddiy askar Sh.Habibullayev birinchi o'rinni egalladi.

Musobaqa natijalari bo'yicha yuqori ko'rsatkichlarga erishgan tinglovchilarga markaz rahbariyati tomonidan esdalik sovg'alari topshirildi.

S. JUMANOV,
FVV Akademiyasi huzuridagi BTvaMOM bo'linma katta ofitseri, mayor.

J. BOVOQULOV,
Markaz O'YQQ haydovchi-qutqaruvchisi, oddiy askar.

МАРАФОН

Наманган вилоятида ФВБ биринчилиги мусобақаси ташкил этилди.



АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ ЁД ЭТИЛДИ

ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошлангич тайёргарлик ва малака ошириш марказида сабоқ олаётган 113 нафар тингловчининг Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларга зиёрати ташкил этилди.

Илк манзил мамлакатимиз мустақиллигининг асосчиси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг мақбараси бўлди. Ундан сунг Регистон майдонида борилди.

Мажмуадаги уч муҳташам обида – Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг тарихи хусусида маълумотлар баён қилинди. Ўзбек халқининг меъморчилик аънаналари, мадрасалардаги нақшлар ва улардаги маънолар тинг-



ловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Саёҳатчилар буюк саркарда Амир Темур бобомиз мажмуасида тингловчилар Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари, ҳукмронлик қилинган мамлакатларидаги ободончилик, барпо этилган

саройлари, боғлари, таълим ва санъатга қаратган эътибори тўғрисида муҳим маълумотлардан воқиф бўлишди.

Ж.САИДОВ,
ФВВ Академияси
ҳузуридаги БТваМOM
УТБИБ бошлиғи,
подполковник.

СЕЛ-ТОШҚИНГА ҚАРШИ

Қашқадарё вилояти ФВБ томонидан 2023 йил давомида сел-тошқин сувлари, қор, ер кучкилари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, мавсумни беталафот ўтказиш, сел-тошқин сувлари келиши мумкин бўлган дарё, сой, каналлар яқинида яшовчи аҳолини сел келган вақтда тўғри ҳаракатланишга ўргатиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.



Ушбу тадбирларни ташкил этиш давомида тезкор штаб ва ишчи гуруҳи томонидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда, шунингдек, назорат-кузатув постлари билан узлуксиз ахборот алмашинувини йўлга қўйиш масаласига жиддий аҳамият қаратилмоқда. Қолаверса, штабнинг туну кун фаолияти давомида сел-сув тошқинлари юзага келганда йиғма команданинг махсус ҳамда муҳандислик техникалари шайлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар бажарилмоқда.

О.РАҲМОНОВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, подполковник.
Ў.ЮЛДАШЕВ,
Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганлигининг 27 йиллиги муносабати билан “Янги рекордлар сари” шиори остида ўтказилган марафонда бошқарманинг таркибий ва ҳудудий бўлимларида хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчи ва хизматчилар, шунингдек, ушбу тадбирда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар 10 км. бўлган масофага югуришди.

Чин маънода спорт байрамига айланган марафон давомида барча иштирокчиларнинг, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган иштиёқи янада кучайганининг гувоҳи бўлдик.

Акрам ТУРҒУНОВ,
Наманган вилояти
ФВБ ХваЖТТЭБ
бошлиғи,
майор.



ФВВ Академияси ҳузуридаги ФМИ профессор-ўқитувчилари томонидан “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги” доирасида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 275-мактабнинг 10- ва 4-синф ўқувчилари иштирокида “Турли хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг

олдини олиш ҳамда содир бўлганида тўғри ҳаракат қилиш” мавзусида амалий машғулотлар ўтказилди.

Б.ЖУРАЕВ,
ФВВ Академияси
ҳузуридаги ФМИ ходими,
подполковник.
К.ЖУМАҚУЛОВА,
ФМИ ўқитувчиси.

ФВВ Кинология хизмати фаолиятдан

ХИЗМАТ ИТЛАРИ – САДОҚАТЛИ ЁРДАМЧИЛАР

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қидирув-қутқарув гуруҳи 18 кун давомида Туркиядаги зилзила талафотларини бартараф этишда фаол иштирок этиб, вайроналар орасидан 18 нафар тирик инсонни ҳамда ҳаётдан кўз юмган 200 нафарга яқин одамни олиб чиқишга муваффақ бўлишди. Қидирув-қутқарув жараёнларида тирик қолган жабрланувчилар сонининг ортиб боришида “Барон”, “Зара”, “Зита” ҳамда “Стинг” лақабли хизмат итларининг ҳам ҳиссаси беқиёс бўлиб, тўрт оёқли беминнат ёрдамчилар ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатишган.

– Агар вайроналар остидан тирик инсонлар бўлса, итлар жуда фаол тарзда, яъни овоз орқали хабар беради, – дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Махсус вазифалар бўйича республика қутқарув маркази кинология хизмати раҳбари, капитан Иномжон Насруллаев. – Аксинча, ҳалок бўлган шахсларни сезса, анча пассив ҳолатда овоз чиқаради, шунингдек, ўша нуқтага термилиб туради ёки ўтириб олади. Итларимиз хабар берган нуқтадан узоғи билан 1,5 метр радиусда одамлар топилганлигидан чексиз қувонар эдик. Хорижлик ҳамкасбларимиз эса ҳайратда қолишарди.

Дарвоқе, И.Насруллаевнинг таъкидлашича, қидирув-қутқарув ишлари яқунланган ҳудудлар Туркия ҳарбийлари томонидан қўриқланган ва у жойларга ҳеч кимнинг ўтишига рухсат берилмаган. Аммо қутқарув ишлари олиб борилиб, ишлар тугаган бинода қутқарувчи итимиз одам борлиги ҳақида хабар берган. Бироқ у ерда қутқарув ишлари аллақачон тамом бўлганлиги боис, ўтишга рухсат бўлмаган. Ана шундай ҳолатда ҳам қутқарувчиларимиз томонидан бинода 7 кун қолиб кетган инсон олиб чиқилди. Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси ФВВ хизмат итларининг жанговар шайлиги Испания, Португалия, Туркия, Босния қутқарувчилари томонидан юқори баҳоланди.

Қайд этиш жоизки, ФВВ Кинология хизматида 12 бош афсонавий немис ва бельгия овчаркалари хизмат олиб боради. Бу ерда ишга яроқли, сезгир, зотдор хизмат итларини танлаш, кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ўргатиш ҳамда парваришlash, шу билан бирга, уларнинг қидирув-қутқарув операцияларидаги иштирокини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади. Хизмат итларидан фойдаланиш

натияждорлигини ошириш, уларнинг олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишида юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни аниқлаш, келгусида бартараф этиш бўйича самарали механизм ишлаб чиқилган. Хусусан, хизмат итларининг зотдорлик даражасини баҳолаш, кинология хизматлари ўртасида наслчилик ишларини ривожлантириш, хизмат итларини етиштириш ва парваришlash борасида халқаро ҳамда миллий кўргазмалар, мусобақалар ва яна бошқа қатор тадбирларни ўтказиш йўлга қўйилган. Белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган хизмат итларини эса кинологларга беғараз асосда бериш кўзда тутилган.

– Хизмат итлари, ҳаттоки, одамлар ҳис қилмайдиган ҳамда уларнинг тасаввурига ҳам сиғмайдиган, лекин ҳаётда юз бераётган ўзига хос ҳодисаларни сезадиган ва уларни қамраб оладиган ўзгача бир оламдир, – дейди Иномжон Насруллаев. – Бу итлар ҳиднинг намунасига қараб ишлайди. Агар воқеа жойида, яъни бахтсиз ҳодиса юз берган бинолар ичида ёки остидан йўқолган одамлар изланаётган бўлса, ит уларни ҳидидан қидириб топади. Шу билан бирга, улар вайроналар орасидан тирик одамларни излаши, ёрдамга чақириши, чиқиш қийин бўлган жойлардан инсонларни қутқариб олиши мумкин. Чунки бу итларнинг мураббийси бир вақтда турли хил йўналишда фикрлашни ўргатишга ҳаракат қилади. Қидирув-қутқарув хизмати учун итнинг ҳид билиши ва ақл-заковати эса энг муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда кинология соҳасига берилаётган эътибор ва яратилаётган шароитлар туфайли хизмат итларини сезгир, чоп-



лади. Чунки ит томонидан содир этилаётган ноурин хатти-ҳаракатлар ҳайвонни ўргатишда халақит бериши мумкин.

– Икки йилдан буён “Зара” лақабли хизмат итини тайёрлаб, у билан бирга ишлаб келмоқдаман, – дейди йўриқчи кинолог, оддий аскар Зиёдилла Абдумаликов. – “Зара” жуда ақлли, сезгир ва чаққон жонивор. Ҳаттоки, кайфиятим қандай эканлигини ҳам жуда яхши пайқайди. Бошида нотаниш итнинг характерини ўрганиш 3-4 ой вақтни талаб этади. Уларнинг яхши натижага эришиши учун эса энг аввало, тоза-озодалиги, ўз вақтида овқатланиши, гельминтацияlash ҳамда вакцинацияlash каби зарур ишларга эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, ўз вақтида овқатлантириш, творог, тухум, гўштли ва донли маҳсулотлар бериш лозим. Ҳар томонлама озода ҳолатда парвариш қилиниб, мустаҳкам соғлиққа эга бўлган ит энг сезгир ҳамда ақлли бўлади. Шу боис, “Зара” ҳам узоқ ва тез югуради. Ўз жойини аниқ ёдида сақлаб

қолади ва янги шароитларга жуда енгил мослашади. Эшитишининг ўткирлиги сабабли инсон эшитишга қодир бўлмаган товуш ва шитирлашларни ҳам тезда сезади. Ҳид билиш қобилияти ҳам яхши ривожланган. Ҳатто жуда кучсиз ҳидларни ҳам ажрата олади.

Ҳақиқатан ҳам, овқатлантириш тизими хизмат итларининг ишини тўғри ва самарали ташкиллаштириш муҳим омиллардан. Шундан келиб чиққан ҳолда, хизмат итларининг меъёрий ҳаёт кечирishi ҳамда белгиланган вазифаларини бажариши учун талаб этиладиган қўшимча озиқ моддалар озуқа рационларига киритилади. Бир хил овқат хизмат итларининг бадиға тез тегади ва бунинг оқибатида рацион таркибидаги туйимли моддаларнинг ҳазм бўлиши пасаяди. Шу сабабдан ҳам рацион таркибидаги озуқа моддалари алмашииб турилади. Сафар шароитида овқат тайёрлашнинг иложиси бўлмаганда, хизмат итлари галеталар, консервалар ва концентратлар, яъни қуруқ озуқа билан боқилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси ФВВ хизмат итларининг қутқарувчиларимиз билан бирга кўрсатиб келаётган қаҳрамонликлари хусусида кўп гапириш мумкин. Хулоса шуки, ушбу тўрт оёқли эпчил ва садоқатли ёрдамчилар ҳамиша халоскорларимиз сафида хушёр, зийрак, чопқир ва сезгир бўлиб, ўз вазифаларини аъло даражада бажариб келмоқдалар. Шундай экан, уларга халоскорлик сабоғини бериб, ушбу жонзотларнинг ўзига хос имкониятларидан эзгу ҳамда савобли йўлда фаол фойдаланаётган кинолог-қутқарувчиларимизга офарин, деб қоламиз.

Анвар ҚОБИЛОВ,
“Vaziyat” мухбири.





Qamashi tumanida umumta'lim va o'rta maxsus ta'lim maktablari o'rtasida "Yosh qutqaruvchi" musobaqasining tuman bosqichi bo'lib o'tdi.

MUSOBAQA



Unda tumandagi 12 ta umumta'lim maktablari jamoalari ishtirok etdi. Bahslar yakuniga ko'ra, tumandagi 5-umumta'lim maktabi vakillari g'oliblikni qo'lga kiritib, viloyat bosqichida ishtirok etish huquqiga ega bo'lishdi.

Qizg'in kechgan bahslar davomida faol ishtirok etgan jamoalarga esdalik sovg'alari topshirildi.

O.XUSHVAQOV,
Qamashi tumani FV bo'limi NTB boshlig'i, kapitan.
A.OMANQULOV,
bo'linma boshlig'i, kapitan.

УЧРАШУВ



Олмазор тумани "Университет" МФЙ вакиллари ва аҳоли иштирокида ёнгин ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга оид учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида соҳа мутахассислари томонидан аҳолига ёнгин ва фавқулодда вазиятлар, уларнинг турлари, юзага келганда тўғри ҳаракатланиш, оқибатларини бартараф қилиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар хусусида маълумотлар берилди.

Шунингдек, учрашув якунида аҳолига фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид кўргазмалар материаллар тарқатилди.

Т.ТОШПҮЛАТОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ
ЁХТТЭБ мутахассиси,
оддий аскар.

МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

Давлатобод тумани "Туқимачи" маҳалласидаги туман Марказий шифохонасида ёнгин-қутқарув амалий-тактик машқи ташкил этилди.



Ўқув машқи давомида фавқулодда вазиятлар ва ёнгинларни бартараф этиш бўйича бўлим, қисм, смена бошлиқларининг жанговар ва касбий тайёргарликларини оширишга асосий эътибор қаратилди.

Амалий ҳаракатлар давомида ёнгинни ўрганиб чиқиш, газдан қутқарув хизмати, электр тармоқлари бўлими, таъмирлаш, қутқарув, тиб-

бий хизмат, тартибот ва сув таъминоти бўлимларининг ҳаракатлари, қутқарув ишларини ташкил этиш, туман ФВ бўлими куч ва воситаларининг, махсус хизматлар билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари кўриб чиқилди.

Шартли ёнгинни бартараф этишга маскан газ қутқарув хизмати, электр тармоқлари бўлими, таъмирлаш, қутқарув, тиббий

хизмат ходимлари ҳамда ёнгин ўчириш жанговар экипажлари жалб этилди. Ёнгин жойида учта ёнгин ўчириш участкаси ташкил этилиб, ёнгинларни ўчириш учун "ҚД-50" дастаклардан сув берилиб, ёнгин бартараф этилди.

Маъмуржон КЕНЖАЕВ,
Наманган шаҳар 2-ЁҚҚ
бошлиғи, катта лейтенант.

ПАНАГОҲЛАР

Панагоҳ – маълум муддат давомида ҳимояланувчиларни ядро қуролининг таъсир омиллари ва оддий зарарловчи воситалар, биологик воситалар, захарловчи ва кучли таъсир этувчи моддалар, ядро энергия қурилмаларининг бузилиши натижасида ҳосил бўлган радиоактив маҳсулотлар, ёнгин натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар ҳамда юқори ҳарорат, шунингдек, катастрофик сув босишларидан ҳимоя қилишга мўлжалланган бўлади.

Панагоҳларнинг сифими у ердаги икки ёки уч қаватли суриларда жойлашадиган одамларнинг умумий сонига қараб ҳисобланади. Панагоҳларда яширинувчилар узоқ муддат қолишлари мумкин, ҳатто кўмилиб қолганида ҳам уларнинг хавфсизлиги бир неча кун ёки камида икки кеча-кундуз таъминланади. Ҳимоянинг ишончилигига чегараловчи ҳимоя конструкциялари ҳамда тўсиқларнинг мустаҳкамлиги, санитар-гигиеник шароит яратилганлиги ҳамда одамларнинг нормал ҳаёт фаолиятини таъминловчи тизимлар мавжудлиги билан эришилади.

Ҳимоя иншоотлари – аҳолини ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларни замонавий қирғин қуролларидан муҳофаза қилиш учун махсус мўлжалланган муҳандислик иншоотлари. Қурилишига кўра: бино остида ёки алоҳида қурилган. Сифимига кўра: кичик ҳажмли 50–150 киши учун, ўрта ҳажмли 150–600 киши учун, катта ҳажмли 600–2000 киши учун мўлжалланган.

Бекзод РАҲМОНОВ,
Халқаро Анжуманлар саройи ЁХТТЭБ
мутахассиси, III даражали сержант.

Навоий кон-металлургия комбинати Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази ва унинг қуйи бўғинларида ўтган давр мобайнида жами 87 маротаба маънавий-маърифий машғулот ҳамда тадбирлар ўтказилган. Уларга 23 нафар ҳамкорликдаги вазирлик, идора ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмаларидан мутахассислар жалб қилинган.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР СИФАТИ

Шунингдек, 14 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва мутахассислари иштирокида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида 13 та машғулот ташкил этилган. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида жами 12 та маданий тадбир ўтказилган.

Аҳамиятлиси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъул ходимларини таклиф этган ҳолда семинар, учрашув, давра суҳбатлари уюштирилаётганлиги боис, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ҳарбий хизматчи ва хизматчилар томонидан қонун бузилиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва хизмат интизомини бузиш ҳолатлари содир этилмади.

Бекзод ҒОҒУРОВ,
НКМК Навоий саноат майдони ва
Жанубий кон бошқармаси объектларини ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари, майор.
Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

ҚУРИЛИШДА МЕЪЁР

Янгийул шаҳар ФВ бўлими томонидан бир қатор профилактик кўриклар ташкил этилмоқда.

Ўрганишлар давомида қурилиш ишларининг шаҳарсозлик меъёр ва қоидалари талабларига жавоб бериши, лойиҳа ҳужжатларида бинолар қутқарув йўллари ҳамда чиқиш эшиқларининг тегишли электр таблолар билан таъминланиши, ёнгинга қарши ерости



гидрантлари ёки сув ҳовузи ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Бундан кўзланган мақсад, – қурилайётган, реконструкция қилинаётган ёки капитал таъмирланаётган биноларнинг халқимизга муносиб хизмат қилишини таъминлаш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш, хавфсизликни таъминлашдан иборатдир.

Ж.БАХТИЁРОВ,
Янгийул шаҳар ФВ бўлими МТБ бошлиғи,
лейтенант.

МАҲАЛЛА ВА МУАССАСАЛАРДА

Олмазор тумани "Ғани Аъзамов" МФЙ, 194-МТМ ва 185-умумтаълим мактабида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, электр иситиш ҳамда газ мосламаларидан тўғри фойдаланиш, фавқулодда вазиятлар юзага келганида тўғри ҳаракатланиш юзасидан фуқаролар, тарбиячилар, педагог ва техник ходимлар, боғча тарбияланувчилари ва ўқув-

чи-ёшлар иштирокида суҳбатлар ўтказилди.

Суҳбат давомида масъул ходимларга техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш лозимлиги тушунтирилиб, кўргазмалар материаллар тарқатилди.

Айдос БАЙРБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ
ЁНВАПБ мутахассиси,
катта сержант.

Наврўз байрами, ҳақиқатан ҳам янгиликни ва яшариш айёмидир. Баҳор фаслининг ўзига хос гўзаллиги, табиати кўнгилларга илиқлиқ олиб кирса, Наврўзи олам уни чи-накам шодликка, байрамга айлантиради.

НАВРЎЗ —

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ АЙЁМИ

Неча минг йиллар давомида азалий қадриятлари-мизни ўзида мужжасам этиб, ажодларимиздан мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг истиқлол йилларида ҳаётимиздаги ўрни ва моҳияти тобора ошиб бормоқда. Халқимиз учун табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш ҳамда нишонлаш эзгу, бир сўз билан айтганда, табиий анъанага айланиб қолди.

Наврўзни дунёнинг кўплаб давлатлари баҳор байрами, янги куннинг бошланиши, баҳорий кайфият улашадиган айём сифатида кутиб олади. Аждодларимиз ҳам бу байрамга алоҳида эҳтиром кўрсатишган. Чунки, ҳар бир халқ тарихи ва маданиятининг авлоддан-авлодга ўтиб, урф-одат ва анъаналарининг қадр топишида йиллар давомида нишонлаб келинган байрамлар алоҳида ўрин тутати.

Наврўз кун билан тун-

нинг тенглашуви, кунларнинг узайиб, ризқ-рўз улашувчи зафарли меҳнатнинг бошланиши арафасидаги қадри байрамдир. Унинг совуқ ва аёзли қишдан димиққан кўнгиллар баҳор ҳавосидан тўйиб нафас олаётган паллада нишонланиши замирида ҳам катта маъно бор. Чунки самода қуёшнинг чарақлаб туриши, қиру адирларда ўт-ўланларнинг ўз жамолини намоён этиши, баҳорни олқишлаб сайраётган қушларнинг ёқимли овози азал-азалдан ота-боболаримизга хуш кайфият бағишлаб келган, меҳнат қилишга, яратувчанлик ишқи билан яшашга ундаган.

«Янги кун» маъносини берувчи бу боқий байрам тарихи, нишонланиши ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» каби асарларида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилган. Бу каби нодир асарлар орадан неча йиллар ўтса-да, Наврўз ҳақида

Маънавият дarsi

янада кенгроқ маълумотга эга бўлишимизда муҳим манба бўлиб келаётир. Мазкур асарларда айтилишича, Наврўзни байрам сифатида нишонлаш миллоддан аввалги VI–V асрларда бошланган экан.

Сумалак Наврўз муносабати билан тайёрланадиган қадимий ва шифобахш таом бўлиб, у билан боғлиқ кўплаб ривоятлар мавжуд. Энг асосийси, бугун ҳам улар ўз қимматини йўқотмай келаётир. Сумалак, ҳалим ва бошқа кўклам таомларининг илик узилди пайтда кишиларга қувват бўлиши, дармондориларга бойлигини бугун замонавий тиббиёт ҳам тасдиқламоқда. Ота-боболаримиз қадимдан «Бир марта тўйиб сумалак еган киши йил давомида касал бўлмайдиган», деган ақидага ишонишгани ҳам бежиз эмас.

Бу йилги айём юртимизда Президентимизнинг «2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан «**Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!**» деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юксак савияда нишонланади, албатта.

Бугун мамлакатимизда ушбу умумхалқ айёми шукуҳи кезиб юрибди. Барча хурсанд ва шодумон. Баҳорий кайфият, байрам қувончи кўнгилларни забт этган. Шундай экан, барча юртдошларимизга қарата Наврўзи олам байрамининг муборак бўлсин, деб қоламиз.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
интернет манбалари асосида тайёрлади.

Urganch shahridagi «Yoshlik» sport majmuasida viloyatdagi huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlari o'rtasida sportning mini-futbol turi bo'yicha viloyat FVB boshlig'i kubogi uchun bahslar olib borildi.

KUCHLILAR HAMISHA G'OLIB



Ushbu musobaqada viloyat IIB terma jamoasi a'zolari 3-o'rinni band etishgan bo'lsa, viloyat Adliya boshqarmasi vakillari 2-o'ringa munosib ko'rildi. Viloyat FVB terma jamoasi a'zolariga esa 1-o'rin nasib etdi.

G'olib va sovrindorlar boshqarma boshlig'ining diplom, medal hamda qimmatbaho sovg'alari bilan taqdirlanishdi.

Sh.SAMANDAROV,
Xorazm viloyati FVB TXvaJTTEB boshlig'i, mayor.

ЎҚ ОТИШ МАШҒУЛОТИ

Самарқанд вилояти ФВБ ҳамда Марказий ҳарбий округ ҳамкорлигида шахсий таркибнинг хизмат ва жанговар тайёргарлигини янада ошириш бўйича амалий-назарий ўқ отиш машғулоти ўтказилди.

Қайд этилганидек, мазкур тадбир бошқарма ва унинг қўйи тизими ҳарбий хизматчиларининг жанговар шайлигини ошириш, тайёргарлигини юксалтириш, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш борасида доимо сергак, огоҳ ҳолда хизмат олиб боришини таъминлайди.

Аслиддин ЮНУСОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ ходими, капитан.

Xorazm viloyati FVB shaxsiy tarkibi o'rtasida sportning volleybol turi bo'yicha viloyat FVB boshlig'i kubogi musobaqasi bo'lib o'tdi.

Murosasiz kechgan bellashuv natijalariga ko'ra, 3-o'rinni «UzAuto Motors» AJ OBYXTTE bo'linmasi terma jamoasi, 2-o'rinni Urganch shahar FV bo'limi vakillari egalladi. 1-o'rinni esa viloyat FVB terma jamoa a'zolari qo'lga kiritishdi.

Tadbir yakunida musobaqa g'oliblari boshqarma boshlig'ining diplom va esdalik sovg'alari bilan taqdirlanishdi.

Sh.SAMANDAROV,
Xorazm viloyati FVB TXvaJTTEB boshlig'i, mayor.



ФУТЗАЛ

Жиззах вилояти ФВБда ўтказилган футзал бўйича вилоят биринчилигида бошқарма ва унинг шаҳар, туманлардаги бўлимларининг 18 та жамоаси ўзаро баҳс олиб борди.

3-ўрин учун баҳс вилоят ФВБ ва Ўрмон ёнгинларини бартараф этишга ихтисослаштирилган ёнгин-қутқарув отряди жамоалари ўртасида кечди. Унда Ўрмон ёнгинларини бартараф этишга ихтисослаштирилган ёнгин-қутқарув отряди жамоаси ғалабага эришди.

Финал ўйини Янгиобод тумани ФВ бўлими ва бошқарма ёнгин-қутқарув отряди ўртасида бўлиб ўтди. Унда туман ФВ бўлими жамоаси ёнгин-қутқарув отрядини 4:2 ҳисобида мағлуб этди.

Яқунда мусобақа ғолибларига диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ифтихор УМАРОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати раҳбари, катта лейтенант.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент Ботаника боғида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганлигининг 27 йиллиги муносабати билан ФВВ марказий аппарати, ҳудудий ва Тошкент шаҳар бошқармалари, таркибий тузилмалар шахсий таркиби ўртасида «Янги рекордлар сари» шиори остида 10 км. масофага югуриш марафони ҳамда ушбу тадбир доирасида стол тенниси, шашка, армрестлинг, арқон тортиш каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

МАҲОРАТ ҒАЛАБА ОМИЛИ

Марафонда Наманган вилояти ФВБ шахсий таркиби жамоаси ҳам муносиб иштирок этди.

Мусобақалар якунига кўра, бошқарма жамоаси 2-ўринни қўлга киритиб, Фавқулодда вазиятлар вазирининг қимматбаҳо совғалари, медаллари ҳамда кубоги билан тақдирланди.

Рустам ЭГАМБЕРДИЕВ,
Наманган вилояти ФВБ ОАВваЖТБХҚГ етакчи мутахассиси.

SUMALAK SAYLI

Bahor tabiat uyg'onishining timsoli. Navro'zi olamni katta shodiyona bilan nishonlash azaldan yurtimiz aholisi uchun go'zal an'ana hisoblanadi.



Navro'zi olamning ruhi hamda falsafasida mujassam bo'lgan yaxshilik va bag'rikenglik, ahillik va hamjihatlik, atrof-muhitni ko'z qorachig'idek, asrab-avaylash kabi olijanob g'oyalar Yangi O'zbekistonda amalga oshirilayotgan o'zgarishlarning maqsad va mazmuniga hamohangdir. Navro'z umumxalq bay-

rami munosabati bilan "Qamchiq" maxsus qidiruv, yong'in-qutqaruv boshqarmasi tomonidan Angren shahridagi 6-7-xizmat uylari hovlisida boshqarma harbiy xizmatchilari hamda ularning oila azolari ishtirokida sumalak sayli o'tkazildi. Doshqozon bo'yida bu taom qay tariqa xalq o'rtasida keng tarqalib, bahorning eng lazzatli taomiga aylanib ketganligi xususida so'z yuritildi. Iliq tilaklar bildirildi, ezgu niyatlar aytili, sumalak saylining bayram sifatida shakllanganligi bilan bog'liq hikoyalar, rivoyatlar tilga olindi.

Jumladan, dehqon olib qo'ygan oxirgi donini tezroq ekish uchun yaxshi niyatlar bilan oldinroq ivitib qo'yadi. Lekin birdan ob-havo buziladi. Bug'doy idishda nish urib o'sa boshlaydi, ob-havo yaxshilanavermaydi. Dehqon oila a'zolari och turgan paytda bug'doyni butunlay nobud qil-

maslik choralari izlay boshlaydi. U tavakkal qilib nish urgan va ancha bo'y ko'targan donni qiymalaydi va xotiniga bundan taom pishirishni buyuradi. Uy bekasi uni uzoq vaqt qaynatadi. Qarangki, oqko'ngil dehqonning niyati xolis chiqadi. Undan hidi yoqimli, o'zi to'yimli, mazasi esa juda shirin taom hosil bo'ladi.

Mazkur sumalak sayli boshqarma jamoasi o'rtasida sog'lom muhitni yaratish, milliy an'analarimizni davom ettirish, boshqarma shaxsiy tarkibini vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, harbiy xizmatchilarning ma'naviy-ma'rifiy saviyasini oshirish hamda oila a'zolarining ma'daniy hordiq chiqarishlarining bir qismi bo'lib xizmat qildi.

SH.ABDULLAYEV,
"Qamchiq" maxsus qidiruv, yong'in-qutqaruv boshqarmasi boshlig'i o'rinbosari, podpolkovnik.



Vaziyat

gazetasi

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
А.ҚОБИЛОВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
курсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 7200 нусха

Бу қизиқ

МАШХУРЛАР ҲАҚИДА

Энциклопедик материал қаршингизга буюк инсонлар ҳақидаги керакли маълумотларни тақдим қилади-ю, аммо энг қизиқарли нарсаларни айтмаслик йўлидан боради.

Буюк инсонлар ҳаётини ўрганар экансиз, уларга тегишли кичик деталларни ҳам кўздан қочириш ярамайди. Балки, ушбу майда фактлар орқали тарихий шахслар ҳақида кўп нарсани билиб олиш мумкин.

Аслини олганда, сирли кўринишга эга бўлган маълумотлар ўша инсон ҳақида кўпроқ ўрганиш ва изланишга мажбур қилади. Бу эса билимга чанқоқ инсонлар учун айни муддаодир. Умид қиламизки, ушбу мақолани муталаа қилгач, яна бир неча китобни ўқиш учун сизда истак пайдо бўлади.



НАПОЛЕОН БОНАПАРТ


Наполеон Корсика оролининг Аяччо ҳудудида туғилган бўлиб, унинг барча аждодлари флоренциялик бўлишган. Шу сабабли уни француз эмас, италиялик, аниқроғи, корсикалик дейиш мумкин. Наполеон ёшлик пайтларида мактабда италян тилини ўрганган, француз тилини эса 10 ёшга тўлганидан сўнг ўрганишни бошлаган.

Бонапарт Франция ва Италия императори саналган. Шу сабабли Италиянинг байроғи ишлаб чиқиладиган пайтда иш бошида турган, асос сифатида эса Франция байроғидан фойдаланганлар. Бу ўриндаги ягона ўзгариш мовий рангнинг яшилга алмаштирилиши бўлган.

АВРААМ ЛИНКОЛЬН

Америка Қўшма Штатларининг президентларидан бири Авраам Линкольн ёшлик пайтларида тажрибали курашчи бўлган. У кўп ҳолларда оломонга қарата уларни курашишга чақирган, исталган одам билан куч синашиши мумкинлигини айтган. Айнан шу каби ҳаракатлари сабабли унга «Курашчилар шўхрати» миллий залидан жой ажратганлар. Унинг курашчи сифати-

даги лақаби «Ҳаққоний Эйб» бўлиб, ҳамиша ўз қарзларини тўлиғича қайтариш одати сабабли ҳам мазкур номга муносиб кўрилган.



ЧАРЛЗ ДАРВИН

Биз учун машҳур назария орқали таниш бўлган олим аслида биология соҳасида махсус маълумотга эга бўлмаган. Мактабни битирган Дарвин оилавий анъанани давом эттириш учун тиббиёт соҳасига, Единбург университетига ўқишга киради.

Аммо тез орада тиббиёт соҳасини ҳам ташлаб кетади. Боиси, олим қондан ҳаддан ташқари кўрқар эди. Балки, бу сиз учун янгилик бўлар, аммо Чарлз Дарвин ҳеч қачон одамнинг маймундан тарқалганини тасдиқламаган. У шунчаки одамлар ва одамсимон маймунларнинг умумий аждоди бўлиши мумкинлиги ҳақида тахмин қилган, бу эса бир-биридан бутунлай фарқли тушунча.



ХРИСТОФОР КОЛУМБ

Афсоналар орасида Колумбга ҳаёсат қилган инсонлар ва денгизчининг уларга нисбатан жавоби ҳақидаги ҳикоя ҳам бор. Ушбу ғийбатчи инсонлар Колумбга ҳамиша Американи очиб унчалик қийин бўлмаганини тақдор айтишарди. Табиийки, испан денгизчиси бундан ғазабланарди.

Колумб уларга нисбатан қуйидагича чора кўришга қарор қилди: у рақобатчиларининг барчасига биттадан тухум олиб, уни тик ҳолатда қўйиш кераклигини айтади. Улар қанчалик ҳаракат қилмасинлар, бунинг уддасидан чиқа олишмайди.

Шунда тухумлардан бирини қўлга олган денгизчи уни тезкор равишда айлантиради ва шу ҳолатда стол устига қўяди. Кейин эса қолганларга қарата «Американи кашф қилиш мана шундай осон бўлди» деган экан.

Масрур САНАЕВ
Интернет материаллари
асосида тайёрлади.